


УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТИЛ ЎРГАНУВЧИЛАРИНИНГ ТИЛ БИЛИШ ДАРАЖАЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР



Қўйсин ТЎХТАЕВА
филология фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Аннотация

Ушбу мақолада узлуксиз таълим тизими тил ўрганувчиларининг тил билиш даражаларига қўйиладиган талаблар ва тил компетенциялари таҳлил қилинади. Тил билиш даражаларига қўйиладиган асосий талабларнинг мақсади таълим тизимининг барча босқичларида таълим олувчиларнинг интеграллашган тил кўникмалари бўйича тил билиш даражаларини аниқлашга хизмат қилишдир. Хорижий тиллар бўйича эгалланган билим, кўникма ва малака даражаларига қўйиладиган талаблар таълим мазмунига мувофиқ ишлаб чиқилгандан сўнг, умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб-хунар таълими ва олий таълим бўйича билим, кўникма ҳамда малакалар дескрипторлари “CAN DO” мазмунида тасвирланиб, керакли грамматик, лексик, фонетик ва орфографик унсурлар билан тўлдирилди.

Аннотация

Данная статья посвящается языковым компетенциям и требованиям, которые ставятся изучающим язык в непрерывной образовательной системе. Основной целью этих критериев является определение владения уровня языка по интегрированным языковым навыкам. Требования к знаниям, навыкам и компетенциям по иностранным языкам разработаны по требованиям программы непрерывного образования и международным дескрипторам “CAN DO”, и они дополнены соответствующими грамматическими, лексическими и орфографическими материалами.

Abstract

The certain article discusses language competences and requirements to the levels of language learners in continuous education. The main objectives of this criterion is to define level of knowledge on integrated skills. Requirements to language competences on foreign language has been worked out according to continuous educational curriculum and international descriptors “CAN DO” and they are filled in with grammatical, lexical and orthographic materials.

Калит сўзлар: тил ўрганувчилар, тил кўникмалари, ўқитиш, ўрганиш, баҳолаш, мезон.

Ключевые слова: изучающие язык, языковые навыки, обучение, изучение, оценивание, критерии.

Keywords: language learners, language skills, teaching, learning, assessment, criterion.

Сўнгги йилларда таълим тизимида юз бераётган ижобий ўзгаришлар натижасида фан ва таълим соҳасига шундай атамалар кириб келмоқдаки, улар беихтиёр илмда ҳам қўлланила бошланди. Бундай ҳодисалар таҳлил

этилиб, тажрибалар ўрганилиб, синовдан ўтказилгач, улар маҳаллий шароитимизга мослаштирилиб, таълим тизимида ҳам қўлланила бошланди.

Шундай ҳужжатлардан бири Европа Кенгашининг “Чет тилларни эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўргатиш ва баҳолаш” – (CEFR – Common European Framework of Reference) тўғрисидаги умумэтироф этилган халқаро меъёрлар бўлиб, бугунги кунда мазкур ҳужжат асосида республикамиз узлуксиз таълим тизимида чет тилларни ўрганишга қўйилган талаблардан келиб чиққан ҳолда тил ўрганувчиларнинг тил билиш даражаларини аниқлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу ҳужжатда “...умумий ўрта таълим тизими ўқувчилари (бошланғич синф ўқувчилари чет тилини ўрганишнинг бошланғич даражаси (A1); 9 синф ўқувчилари чет тилини ўрганишнинг таянч даражаси (A2); чет тиллар чуқурлаштирилиб ўқитиладиган ихтисослаштирилган умумтаълим мактабларининг 9-синф ўқувчилари (A2+) даражадаги билимларга эга бўлиш”лари кераклиги белгиланган(1).

Шунингдек, “...олий таълим муассасаларининг ихтисослиги чет тили бўлмаган факультетлари бакалавриат босқичи битирувчилари, олий таълим муассасаларининг ихтисослиги чет тили бўлмаган факультетлари магистратура босқичи битирувчилари ҳамда олий таълим муассасаларининг ихтисослиги чет тили бўлган факультетлари бакалавриат босқичи битирувчилари (иккинчи чет тили) чет тилини ўрганишнинг мустақил мулоқот даражаси (B2)га эга бўлиш”лари кўрсатилган(1).

“Чет тилини ўрганишнинг эркин мулоқот даражаси (C1)ни олий таълим муассасаларининг ихтисослиги чет тили бўлган факультетлари бакалавриат босқичи битирувчилари, худди шунингдек, олий таълим муассасаларининг ихтисослиги чет тили бўлган факультетлари магистратура босқичи битирувчилари эгаллашлари лозим”лиги узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартида таснифланган(2).

Бу даражаларни тил ўрганувчи қандай эгаллаганлигини аниқлаш мақсадида ҳар бир даража учун лексик, грамматик минимумларни ўз ичига олган услубий тавсиялар ишлаб чиқилиб, луғат-минимумлар тайёрланган. Узлуксиз таълимнинг ҳар бир босқичи учун ўқув дастурлар, ўқув-услубий мажмуалар, дарсликларда берилган мавзулар ва талаб этилган лексик-грамматик минимумларга таянган ҳолда (лексик ва грамматик минимум)лар Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги Чет тилларни ўқитишнинг инновациявий методикаларини ривожлантириш Республика илмий-амалий маркази ходимлари томонидан “Чет тиллар бўйича малакалар сифатининг умумевропа стандартлари талаблари: ўрганиш, ўргатиш ва баҳолаш бўйича норматив мезонлар” (барча даражалар учун) ва уларнинг луғат-минимуми ишлаб чиқилди ва нашр этилди(4).

Тилни эгаллашнинг ҳар бир даражаси учун лексик ва грамматик минимум (луғат бирликлари, грамматик, фонетик бирликлар ва компетенциялар)лар ишлаб чиқишда АҚШ тилшунос олими *Fry Kress va Fountoukidis* муаллифлигида 2000 йилда нашрдан чиққан *The Reading Teachers' Book Of Lists (Fourth Edition)* ўқув адабиётидан фойдаланилди.

Ушбу расмий ҳужжатда белгилаб берилган “...битирувчиларнинг чет тиллар бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малака даражаларига кўйиладиган талаблар таълим мазмунига мувофиқ ишлаб чиқилгандан сўнг, умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб-хунар таълими ва олий таълим бўйича билим, кўникма ҳамда малакалар дескрипторлари “CAN DO” мазмунида тасвирланиб, керакли грамматик, лексик, фонетик ва орфографик унсурлар билан тўлдирилди” ва миллий стандартимизга уйғун ҳолда тизимлаштирилди(1).

Мазкур дескрипторлар интеграллашган тил кўникмалари: сўзлашиш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзиш кўникмаларини баробар ривожлантириш динамикасини аниқлашга хизмат қилади. Айнан шу ҳужжат тил ўрганувчиларнинг Европа Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган “Чет тилни эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўргатиш ва баҳолаш” бўйича умумэътироф этилган халқаро меъёрлари (CEFR) бўйича ўрганган чет тилларни белгиланган даражада амалда қўллай олишларини аниқлашга хизмат қилади. Қуйида “CAN DO” дескрипторлари ёрдамида аниқланган тил малакалари интеграцияси даражасини аниқлашга хизмат қилувчи шкалалар келтирилган. Намуна тариқасида А1 даражаси “...битирувчилари тайёргарлигига кўйиладиган талаблар”ни келтириб ўтишни лозим топдик.

Чет тил бўйича А1 даражаси битирувчилари тайёргарлиги даражасига кўйиладиган талаблар “Чет тилни эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўргатиш ва баҳолаш” қўлланмасида ўз аксини топиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олади(2): “...тинглаб тушуниш, сўзлашиш, ўқиш ва ёзиш кўникмаларини ахборот тариқасида тушуниш ва суҳбатдошига етказиш; белгиланган мавзулар бўйича суҳбат олиб бориш, кичик ролларни ўйнаш, муҳокамалар уюштириш, шерикликда ёки кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда ишлаш; тилнинг мураккаблик даражасига кўра танланган матнлар, шунингдек аутентик материалларни ўқиш, тинглаб тушуниш, улардан амалда фойдаланиш; тақдимотлар орқали ўз фикрларини аниқ баён қилиш; тили ўрганилаётган мамлакат маданияти ва Ўзбекистон маданиятини ўзаро қиёслаш ва таққослаш малакасини ошириш, ўзга маданиятга нисбатан бағрикенглик хислатларини намоён қилиш; тинглаб тушуниш, сўзлашиш, ўқиш ва ёзиш кўникмаларини уйғунлаштирган ҳолда турли мавзуларга доир лойиҳа ишларини бажариш орқали нутқ малакаларини ривожлантириш” мақсад қилиб қўйилган(4).

Шунингдек, нутқ малакаларининг ҳар бирига кўйиладиган талабларга жавоб бериш минимуми ушбу дескрипторлар ёрдамида “Чет тилни эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўргатиш ва баҳолаш” қўлланмасида ўз таърифини топган. Масалан, “...**тинглаб тушуниш**да тил ўрганувчи содда йўриқномаларни тушунган ҳолда уларга амал қила олиши, оддий савол ва унинг жавобини тушуниши билан бир қаторда, содда шеърлар, ҳикоялар, кўшиқларни тушуна олиш кўникмаларига эга бўлиш”и ҳам ушбу дескриптор ёрдамида таърифланган. Худди шунингдек, “...таниш контекст ва матнларда содда аутентик нутқни тушуна олади. Тил ўрганувчи навбатдаги **гапириш** фаолияти турида диалогик нутқ пайтида мулоқотга

кириша олиш кўникмаларига эга бўлиб, оддий тилда маълумот сўраш ва маълумот бериш, ёрдам сўраб мурожаат қилиш ҳамда оддий савол-жавоб жараёнига киришиш малакаларига эга бўлиши талаб этилади. Монологик нутқда эса тил ўрганувчи яшаш жойи, оиласи, дўстлари ва танишлари ҳақида гапира олиш билан бирга ўзини таништириш, ёқтирган ва ёқтирмаган нарсалари, ўзига таниш мавзуларда қисқа тақдимотлар қила олиш кўникмаларига эга бўлиш” дескрипторнинг навбатдаги таърифларида ўз аксини топган(2).

Навбатдаги **ўқиш** фаолияти турида “...тил ўрганувчининг таниш мавзулардаги матнларнинг асосий мазмунини тушуниши, жой ва инсонлар тасвирланган қисқа матнлар (зарур ҳолларда кўргазмалардан фойдаланган ҳолда)ни тушуниши, шунингдек, содда ёзма йўриқнома ёки кўрсатмаларни тушуна олиши ҳамда уларга амал қилиши (оддий хатлар, электрон хатларни тушуна олиш малакаларига эга бўлиши)...” дескриптор талабларидан биридир. Сўнги “...**ёзиш** нутқ фаолияти турида тил ўрганувчи шахсий содда хабарлар (табриклар, қайдлар, электрон хатлар) ёза олиш, шахсий маълумотлар (исми-шарифи, яшаш манзили ва ҳоказо) билан содда анкетани тўлдир олиш, шеърий қофиядош сўзлар, ҳикоялар ёза олиш малакаларига эга бўлиш”и дескрипторнинг яна бир муҳим талабларидан эканлиги аҳамиятга эгадир(4).

Нутқ фаолияти турларига қўйиладиган талаблардек бошқа тил компетенцияларига ҳам мос талаблар қўйилади. “Тил компетенциялари грамматик, фонетик, лексик компетенцияларни ўз ичига олиб, уларни эгаллашда тил ўрганувчига **грамматик компетенция**ни эгаллашда коммуникатив вазиятларда содда грамматик ва синтактик тузилмаларни қўллаш олиш, сўз ва сўз бирикмаларини “ва” тенг боғловчиси ёрдамида боғлай олиш ҳамда феъл шакллари ва содда пайт равишларидан фойдаланган ҳолда гапларни тўғри баён эта олиш, ҳикоялар, воқеаларни тўғри кетма-кетликда таърифлай олиш кўникмаларига эга бўлиш” каби талаблар қўйилади. “...**фонетик компетенция**га чет тилдаги барча товушларни аниқ талаффуз қила олиш, сўз ва гап урғусини тўғри қўйиш билан бир қаторда коммуникатив вазиятларда интонация модулларини фарқлай олиш ҳамда улардан ўринли фойдаланишни билиш, **компетенция** талаблари эса ўзлаштирган лексик воситаларни контекст (матн)да қўллаш олиш, мавзуга доир содда сўзлар, баъзи байналминал сўзлар ва турдош сўзларни фарқлаш ҳамда уларни коммуникатив вазиятларда қўллаш олиш кўникмаларига эга бўлиш” каби талаблар қўйилади(4).

Юқорида таҳлил қилинган А1 даражадаги тил ўрганувчиларга (А2, В1, В2, С1 даражалардан ташқари) **социолингвистик ва прагматик компетенциялар** бўйича талаблар қўйилмайди. Сўнги иккита компетенцияга “...ижтимоий вазиятларда имо-ишоранинг аҳамияти, Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатлар халқлари маданияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш ҳамда тил билан боғлиқ муаммоларни англаб етиш” (саломлашиш одати, мурожаат шакллари, хушмуомалаликнинг асосий меъёрларини билиш) каби талаблар қўйилади(4). “...**прагматик**

компетенция эса таниш вазиятларда қўлланилиши лозим бўлган тил воситаларини танлаш, оддий вазиятларда оғзаки ва ёзма нутқда фикларни узвий ифода этиш малакаларини эгаллашлари” билан боғлиқ талабларни ўз ичига олади.

Мазкур мақолада тил ўрганувчиларга қўйиладиган барча талабларни ёритишнинг имкони йўқлигини инобатга олиб, кейинги маъруза ва илмий изланишларимизда ушбу мавзунини батафсилроқ ёритишни мақсад қилиб қўйдик.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандарти// Халқ таълими журнали. – 2013, № 4.
2. CEFR Guidebook at Common European Framework of Reference for languages: Learning, teaching, assessment. – Cambridge University Press, 2013.
3. Fry Kress And Fountoukidis. The reading teachers’ book of lists. Fourth edition, 2000.
4. Тўхтаева Қ.Д., Бўтаев Ш.Т. Чет тиллар бўйича малакалар сифатини (CEFR) умумевропа стандартлари талаблари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш бўйича норматив мезонлар (барча даражалар учун). Услубий қўлланма. – Т., 2017.